



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FARG‘ONA VILOYATI**  
**DANG‘ARA TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

2020 yil “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

№ \_\_\_\_\_

Данғара шаҳарчаси

*Танлов ғолиби бўлган фуқаро (Хасанов Абдусаттор Тургунович)га Худойбердиев ММТП худудидаги туман ҳокимлиги захира ер майдонидан пахта-ғаллачилик йўналишида фойдаланиши учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисида.*

Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476–сонли қарори ҳамда Данғара туманида “Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигига оид эҳтиёжлар учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш масалалари билан шуғулланувчи доимий ишловчи комиссияси”нинг 2020 йил 29 декабрдаги 17/3–сонли йиғилиш баённомасига асосан

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Данғара туманида “Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигига оид эҳтиёжлар учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш масалалари билан шуғулланувчи доимий ишловчи комиссияси”нинг 2020 йил 29 декабрдаги 17/3–сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро (Хасанов Абдусаттор Тургунович)га туман ҳокимлиги захирасидаги худойбердиев ММТП худудида жойлашган 265, 333, 326, 335, 264, 269, 260, 261, 270-контурларидан кўшимча жами 72.1 гектар, шундан 58.7 гектар суғориладиган, 1,2 гектар йўллар, 3,1 гектар ариқ ва зовурлар ва 9.1 гектар бошқа ерлар танловда ғолиб чиққанлиги сабабли **пахтачилик ва ғаллачилик** йўналишида фойдаланиши учун ажратиб берилсин ҳамда маҳсулот ишлаб–чиқариш бизнес режаси тасдиқлансин.

3. (Хасанов Абдусаттор Тургунович)га; Данғара туман давлат хизматлари марказидан қонун ҳужжатларига асосан тадбиркорлик субъектини Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда туман ҳокимлиги билан “Ерни узоқ муддатли ижарага бериш” шартномасини тузиш вазифаси топширилсин.

4. И.А.Т банкларига ўз ҳуқуқ доирасидаги вазифаларни бажариш топширилсин.

5. Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими (О.Умаров)га, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши (А.Қўзиев)га, туман Давлат кадастри агентлиги бўлими (Д.Мухаммаджонов)га, туман Давлат Солиқ инспекцияси

(А.Шамсиддинов)га, туман Статистика бўлими (Т.Кимсанов)га; туман ҳокимлиги захирасидаги ер майдонига ўзгартириш киритилиши муносабати билан ўз ҳуқуқ доираларидаги вазифаларни бажариш топширилсин.

**6.** Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Мирсодиқов зиммасига юклансин.

**Туман ҳокими**

**Ш.Тожихақимов.**